

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШ  
МАСАЛАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Жасур Нуриддинов*  
*Jasur\_Nuriddin@mail.ru*

**АННОТАЦИЯ**

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида суд харажатларини ундиришнинг аҳамияти, назарий-хуқукий асослари ва ўзига хос жиҳатлари, миллий қонунчиликда акс эттирилиши ҳамда айрим концептуал масалалар, қонунчиликдаги оқ доғлар, коллизиялар ва чалкашликлар, уларга ечим сифатида таклиф-тавсиялар хусусида фикр юритилади.

*Калим сўзлар:* суд харажатлари, давлат божи, почта харажатлари.

**АННОТАЦИЯ**

В исследовательской работе рассмотрены значение, теоретико-правовые основы и особенности взыскания судебных издержек в хозяйственных судах Республики Узбекистан, их отражение в национальном законодательстве, а также некоторые концептуальные вопросы, белые пятна, коллизии и неясности в обсуждаются законодательство, а также предложения по их решению.

**Ключевые слова:** судебные издержки, государственная пошлина, почтовые расходы..

**ABSTRACT**

The research work examines the importance theoretical-legal foundations and specific aspects of the collection of court costs in the economic courts of the Republic of Uzbekistan, their reflection in the national legislation, and some conceptual issues, white spots, collisions and confusions in the legislation, as well as suggestions as a solution to them, are discussed.

**Key words:** court costs, court fees, postal costs.

**I. Кириш қисм**

Суд тизимининг самарадорлиги судга мурожаат қилишда ҳамма учун тенг имкониятларнинг яратилганлиги ва мурожаат қилиш учун очиқлиги каби фундаментал талаблар билан белгиланади. Суд ишларини юритиш, судларни моддий жиҳатдан таъминлаш катта харажатларни талаб қилиб, давлат бюджети томонидан ҳар йили улкан миқдорда пул маблағлари ажратилади. Шу билан бирга судга ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш учун ариза тақдим қилаётган шахслар ҳам суд ишини юритиш билан боғлиқ харажатларни қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари тўлашдан озод қилинмаган. Суд харажатларини тўлаш процессуал кодекслар билан белгиланган мажбурият

ҳисобланиб, судга мурожаат қилиб ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг ва умуман одил судловга бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг шартларидан бири ҳисобланади. Маълумки, ҳаммага очик бўлган одил судлов адолатли суд тизимининг ўзгармас таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.[1]

Мамлакатдаги қулай инвестициявий шароитлардан бири сифатида тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қила олишининг кафолатланганлиги ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ҳуқуқ ва манфаатларини иқтисодий судлар орқали ҳимоя қилинишида судга мурожаат қилиш тартиб-таомилларининг соддалиги катта аҳамият касб этиб, бунда суд харажатларини тўлаш ва уни ундиришдаги баъзи ноаниқликлар процессуал чалкашликларни, коллизияларни ҳамда “оқ доғ”ларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ушму муаммоларни тадқиқ қилиш ва ечими юзасидан таклифлар бериш мавзунинг долзарблигини очиб беради.

## **II. Методология**

Тадқиқотнинг методологик асосини умумий мантиқий усуллар (таҳлил ва синтез, диалектик, умумлаштириш, аналогия, мавхумдан конкретга ва конкретдан мавхумга ўтиш), эмпирик тадқиқот усуллари (таққослаш, гуруҳларга тақсимлаш) ва алоҳида илмий усуллар (формал-юридик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий) ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилди.

## **III. Натижалар**

Иқтисодий судларда суд харажатларини ундиришнинг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинади. Натижада ушбу обьект билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга соловчи, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам берадиган таклифлар ишлаб чиқилади.

## **IV. Мухокама қисми**

Хорижий тажрибадан кўриб ўтганимиздек, қонунчилик жиҳатидан бизга яқин МДҲ давлатларида суд харажатларини ундиришни тартибга солиш масалаларида иқтисодий судларда қўллашимиз мумкин бўлган нормалар мавжуд бўлиб, уларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш тадбиркорлик субъектларига манфаатли бўлиши мумкин. Масалан, бизда тўланадиган ва ундириладиган давлат божи миқдорларининг энг юқори чегараси ўрнатилмаган. Бу тадбиркорлар, айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун бир қатор молиявий ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Россия Федерациясида бундай чекловнинг миқдори 28.414.781,30 сўмни, Қозогистон Республикасида 1.954.187.840,46 сўмни ташкил қиласди. Бундай чекловнинг йўқлиги даъво суммаси қанча қўп бўлса, шунча қўп давлат божи ундирилишини англатиб, назарий жиҳатдан давлат божининг ундирилиши мумкин бўлган энг юқори максимал чегараси йўқлигини англатади.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида юқорида кўриб ўтилган давлатлар тажрибаси мисолида бизда ҳам давлат божининг ундирилиши мумкин бўлган энг юқори чегараси миқдорини ўрнатиш лозим.

Шунингдек, биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинган суд хужжатлари устидан юқори инстанция судларига шикоят қилишда тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори биринчи инстанция судида тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизини ташкил қилиши тўғрисидаги норма ҳам тадбиркорлик субъектларини молиявий жихатдан қийнайдиган нормалардан бири ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, давлат божининг ундирилиши мумкин бўлган энг юқори максимал чегарасининг йўқлиги ушбу муаммони янада чуқурлаштиради. Етарлича давлат божининг тўланмаслиги шикоятларни иш юритишга қабул қилинмай қайтарилишига, ўз навбатида эса, бу процессуал муддатларнинг ўтказиб юборилишига ва шикоят қилиш имкониятининг бой берилишига сабаб бўлади.

Шу сабабли Россия Федерацияси мисолида (апелляция тартибида шикоят берилганда 426.205,7 сўм давлат божи тўланади) суд хужжатлари устидан шикоят берилганда кичикроқ суммада қатъий ўрнатилган миқдорда давлат божи тўлаш тартибини ўрнатиш лозим. Тарафлар ишни биринчи инстанция судида кўрилганда катта миқдорда давлат божи тўлаши етарли бўлиб, уни юқори инстанцияларда такоран ундиришнинг зарурияти тадбиркорлар манфаати нуқтаъи-назаридан қаралганда йўқ.

Давлат божини кечикириб тўлаш тартибининг қонунчиликда мавжудлиги даъво ариза ва шикоятларни давлат божисиз иш юритишга қабул қилинишини англашмайди. Сабаби, ИПК 113-моддасига кўра, давлат божини тўлаш асослари ва тартиби, уни тўлашни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, тўлашдан озод қилиш тартиби, давлат божини қайтариш тартиби қонунда белгиланади.[2]

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига асосан пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра давлат божини кечикириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдигида судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши керак.

Яъни, давлат божини кечикириб тўлашга судя томонидан рухсат берилиши мумкин, судя бунга мажбур эмас. Бу мутлақо унинг ваколати ва шу сабабли ушбу қоида қонунчиликдаги “оқ доғ” ҳисобланади.

Ушбу муаммони бартараф қилиш мақсадида қонунда кўрсатилган керакли хужжатларнинг барчаси илова қилиниб, тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳолатларда ариза ва шикоятлар давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилиниши лозимлиги тўғрисида қоида киритиш лозим. Ёки, тарафларнинг

сарсонгарчилигини олдини олиш мақсадида ушбу институтни қонунчиликдан чиқарып ташлаш лозим.

Күшни давлатлар қонунчилигидан ўрганишимиз мумкин бўлган тажрибалардан яна бири бу томонлар томонидан вакилга тўланган харажатларни суд харажатлари таркибига киритишидир. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, вакилга кўрсатган хизматлари учун тўланган харажатлар суд харажатлари таркибига киритилмаган. Шу сабабли, томонлар вакилга тўланган харажатларни моддий зарар суммаси сифатида баҳолаб, даъво суммасига киритадилар.

Бу бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Жумладан, вакил харажатлари аниқ бир статусга эга бўлмаганлиги сабабли судларда турли амалиёт шаклланиб, баъзи ҳолатларда қаноатлантириш, баъзи ҳолатларда рад етиш, баъзи ҳолатларда эса бунга асос мавжуд бўлмаса-да, камайтириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинмоқда.

Суд амалиётида юзага келадиган чалкашликлардан ташқари тарафлар учун ҳам бир қатор муаммоларни юзага келтиради. Масалан, адвокатга тўланадиган харажатлар даъво суммасининг таркибига зарар сифатида киритилганлиги сабабли у учун ҳам давлат божи ҳисобланади. Вакилга тўланадиган харажатларни қайтариб ундириб олинишига бўлган ишончнинг йўқлиги тарафларда вакил хизмати учун ҳақ тўлашга бўлган мотивларни йўқ қилади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, ҳудди Россия Федерацияси ва Қозогистон Республикасида бўлгани каби вакил харажатларини суд харажатлари таркибига киритиш, РФ мисолида вакил харажатлари ҳаддан ташқари кўплиги кўриниб турса уни суд томонидан камайтириш тартибини ўрнатиш лозим. Бундай тартибнинг ўрнатилиши вакил харажатларини ҳам суд харажатлари таркибига киритилишига ва давлат божининг ҳисобланмаслигига, аниқ бир статуси белгиланишига ва адвокатлик институти ривожланишига сабаб бўлади.

Иқтисодий иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларидан нусха олганлик ва дубликат берганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган. Ушбу миқдордаги давлат божини суд ҳужжатларининг дубликатини олишга нисбатан қўллаб бўлса-да, суд ҳужжатларининг нусхасини олишга нисбатан қўллаб бўлмайди. Сабаби бугунги кунда ушбу миқдор 6.800 сўмни ташкил қилиб нусха олинган ҳар бир варақ ҳужжат учун шунча миқдорни ташкил қилади. Амалиётда суддан ташқарида ҳужжатларни чоп этиш бу миқдордан бир неча баравар арzonлиги сабабли иш ҳужжатлари билан танишувчи томонлар иш материалларини телефонда расмга олиб ташқарида чоп эттиришади. Баъзида ҳаммада ҳам бундай техник имкониятнинг йўқлиги ва етмаганига молиявий шароит сабабли томонларнинг сарсонгарлигига сабаб бўлади. Сабаби юз бетлаб иш ҳужжатлари ҳар бир бет учун 6.800 дан ҳисоблаганда анча суммани ташкил қилади.

Ёки, Қонунда белгиланғанидан камроқ миқдорда суд ходимларига ҳақ берилиши евазига суд хужжатларидан нусха берилади ва шундай тарзда бюджетта тушиши керак бўлган пул маблағлари ўзлаштириб юборилади.

Қозогистон Республикаси мисолида кўриб ўтганимиздек, иш хужжатларидан 10 варақ нусха олганлик учун 7.4 тенге (195.42 сўм) давлат божи тўлайди. Солиштириш учун бизда иш хужжатларидан 10 варақ нусха олганлик учун 68.000 сўм давлат божи тўланади (347 баравар кўп). Бироқ, ҚРда ижро ҳужжатининг дубликатини бериш учун бир ойлик ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида (488.546,96 сўм) давлат божи тўланади.

Шунга асосан, томонларга қулайлик яратиш мақсадида ҚР тажрибаси мисолида “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритилиб, иш хужжатларидан нусха олганлик учун тўланиши талаб қилинадиган давлат божи миқдорини 0,2 фоиз миқдорида белгилаш, дубликат бериш учун тўланадиган давлат божи миқдорини еса кўпроқ суммада ўрнатиш лозим.

Яна бир тажрибадан бири номулкий тусдаги ва шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан ундириладиган давлат божи миқдоридир. Кўриб ўтганимиздек, ушбу миқдор РФда 852.411,46 сўмни, ҚРда 24.427,35 сўмни ташкил қиласди. Бизда, эса ушбу миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида белгиланган бўлиб, бугунги кун ҳолатига 3.400.000 сўмни ташкил қиласди. Бу давлат божини тўлаш ва ундиришда бир қатор муаммоларни юзага келтиради. Жумладан, ундириладиган давлат божи миқдори катталиги сабабли судялар бир томондан тадбиркорга ёрдам бериш, бир томондан давлат божини ундириласлик оқибатида юзага келадиган жавобгарликдан қочиш мақсадида давлат божи ундириладиган мустақил даъво талабларини аниқлашда муаммоларга дуч келадилар. Бундай муаммолар айниқса ер билан боғлиқ низоларда кўп учрайди. Тадбиркорларга енгиллик яратиш мақсадида Олий Суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги

28-сонли қарори билан даъво аризасида ўзбошимчалик билан егаллаб олинган ер участкасини қайтариш ва уни яроқли ҳолатга келтириш сўралганда, улар битта талаб сифатида баҳоланиши тўғрисида тушунтириш берилган. Лекин, қурилмаларни бузиш ва олиб чиқиб кетиш мажбуриятини юклаш тўғрисида талаб билдирилса, иккита даъво талаби ҳисобланади ба БҲМнинг 20 баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Яна бир қоидалардан бири иш мазмунан кўриб чиқилмаган ҳолатларда, яъни, даъво кўрмасдан қолдирилганда ва иш юритиш тутатилганда давлат божи ундирилмаслигидир. Бизда даъво кўрмасдан қолдирилганда ва иш юритиш тутатилганда юқорида кўриб ўтганимиздек, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунда

назарда тутилган баъзи ҳолатларда ундирилмайди.

Энг тарафларнинг норозилигига сабаб бўлувчи ҳолатлардан бири ИПК 107-моддаси 9-бандида назарда тутилган жавобгарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса ва жавобгарга нисбатан тақдим этилган талаб қонунга кўра тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасида кўрилиши лозим бўлса даъво аризаси кўрмасдан қолдирилиши тўғрисидаги қоидадир.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 12-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини кредиторлар йифилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қиласи. Суд қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиб олган кундан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини якка тартибда қаноатлантириш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Бирор корхонага нисбатан умумий тартибда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилингандан сўнг, суд бошқарувчиси тайинланади ва у томонидан бизнес журналларга корхонага нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги тўғрисида эълон берилади.

Корхонага нисбатан соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилса, иш мазмунан кўриб чиқилиб, корхонани тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиққандан сўнгина тутатиш бошқарувчиси тайинланади ва у томонидан корхона тўловга қобилиятсиз деб топилганлиги тўғрисида эълон берилади. Табиийки, тарафлар бундан бехабар бўладилар ва даъво тақдим қилиниб, давлат божи ўз зиммаларига тушади. Уларда айниқса корхонага нисбатан соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилганда ахборот олиш билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Сабаби, электрон маълумотлар базасидан бундай маълумотларни олиб бўлмайди. Суд бошқарувчилари эълон берадиган журналлар бир қанча бўлиб, уларни ҳаммасини доимий кузатиб бориш имконсизdir.

Шу сабабли ушбу муаммонинг ечими сифатида корхона тўловга қобилиятсиз деб топилганлиги сабабли даъво ариза кўрмасдан қолдирилса, давлат божи даъвогардан ундирилмаслиги, ёки тўланган бўлса, қайтариб берилиши тўғрисида норма киритиш лозим.

Давлат божи тўловларини тартибга солишда ўзига хос “оқ доғ” мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорининг 20-бандида тушунтириш берилганки, давлат божи билан боғлиқ масалалар бўйича қабул қилинган суд хужжатлари устидан

умумий асосларда шикоят (протест) берилиши мумкин. Бундай шикоятлар учун давлат божи тўланмайди.

Юқорида келтирилган бошқа мисоллар сингари, норматив ҳужжат билан тартибга солиниши лозим бўлган масала Пленум қарори билан тартибга солинмоқда ва “оқ доғ”ни вужудга келтирмоқда. Сабаби давлат божи катта миқдорда ундирилган ишларда қабул қилинган суд ҳужжати устидан шикоят қилиш молиявий сабаблар туфайли қийинлашса ёки имконсиз бўлиб қолса юқори инстанция судлари томонидан ўзларининг ваколатларини сустеъмол қилинишига сабаб бўлади. Сабаби ҳал қилув қарорининг давлат божи қисми устидан шикоят қилиниб, шикоят давлат божисиз иш юритишга қабул қилинса ҳал қилув қарорининг фақатгина давлат божи билан боғлиқ қисми кўриб чиқилмайди. Ҳал қилув қарори тўлиқ кўриб чиқилишига ва бекор қилинишига ҳеч қандай процессуал тақиқ йўқ.

Масалан, ИПК 274-моддасига кўра, суд маъruzадан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок етuvчи шахсларнинг тушунтиришларини ешитади, улар апелляция шикоятида (протестида) кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим етишга ҳам ҳақли.

ИПК 276-моддасига асосан эса, суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослиигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.

ИПК 299-моддасида суд ишни кассация тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослиигини текшириши, янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкинлиги, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шартлиги белгиланган.

Юқорида кўриб ўтилган суднинг ўзи томонидан яратилган “оқ доғ”ни бартараф қилиш мақсадида бу каби масалалар норматив ҳужжат билан тартибга солиниши лозимлиги сабабли Пленум қарорининг ушбу бандини бекор қилиш, ёки қарорнинг давлат божи ундируви қисми устидан шикоят қилинганда давлат божи тўланмаслиги тўғрисида Қонунда кўрсатиб ўтиш ҳамда давлат божи тўламасдан қонунни айланиб ўтиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида қарорнинг давлат божи ундируви қисми устидан шикоят қилинганда қарорнинг бошқа қисмлари кўриб чиқилмаслиги тўғрисида норма киритиш лозим.

Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибасида почта харажатлари алоҳида тўлов сифатида белгиланмаган. Почта харажатларининг алоҳида тўлов сифатида белгиланиши тарафларнинг оворагарчилигини кўпайтириб, ариза ва шикоятларнинг қайтарилишига сабаб бўлади. Шу сабабли, почта харажатларини

алоҳида тўлов тури сифатида қонунчиликдан олиб ташлаш ва давлат божининг таркибиға киритиш лозим.

### **V. Хулоса**

Юқорида келтирилган камчиликларни қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш орқали бартараф қилиш мумкин бўлиб, бу орқали тадбиркорлик субъектларининг суд орқали хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш осонлашади. Ортиқча сарсонгарчиликларнинг олди олиниб, тадбиркорлик субъектларига қўшимча рағбатлар пайдо бўлади ҳамда одил суд тизимиға бўлган ишончлари янада ошади.

### **VI. Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Пути развития института судебных расходов: сравнительно-правовой анализ”, Шмотин Кирилл Сергеевич - <https://cyberleninka.ru/article/n/puti-razvitiya-instituta-sudebnyh-rashodov-sravnitelno-pravovoy-analiz>;
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий Процессуал Кодекси, Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/ru/docs/-3523891?otherlang=1>;